

С.О.Қозоқов, илмий раҳбар О.С.Қазақов
Наманган муҳандислик-технология институти,
Наманган, Ўзбекистон
olimkzkv@gmail.com

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Халқ хўжалигининг ривожланишида саноат муҳим ўринни эгаллайди. Мақолада саноатни ривожланиши соҳасидаги муҳим муаммолар аниқланган, шунингдек, саноатни янада жадалроқ ривожлантиришининг муҳим масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Иқтисодиёт, саноат, рақобат, самарадорлик, бошқарув фаолияти.

С.О.Қозоқов, научный руководитель О.С.Қазақов
Наманганский инженерно-технологический институт,
Наманган, Узбекистон
olimkzkv@gmail.com

ПРОБЛЕМЫ УСКОРЕННОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ

Аннотация. Промышленность занимает ведущее место в развитии народного хозяйства. В статье определены некоторые проблемы в области развития промышленности, также рассматриваются важнейшие вопросы дальнейшего развития промышленности/

Ключевые слова: Экономика, промышленность, конкуренция, эффективность, управленческая деятельность.

S.O.Qozoqov, supervisor O.S.Kazakov
Namangan engineering-technological institute
Namangan, Uzbekistan
olimkzkv@gmail.com

PROBLEMS OF THE ACCELERATED DEVELOPMENT OF THE INDUSTRY IN THE CONDITIONS OF A PANDEMIC

The summary. The industry takes a leading place in national economy development. In article some problems in the field of industry development are defined, also are considered *важнейшие* questions of the further development of the industry.

Keywords: Economy, the industry, a competition, efficiency, administrative activity.

Ривожланишнинг бугунги даражасида ҳамда жаҳонда юз бераётган турли инқирозлар, жумладан пандемия шароитида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун унинг барча соҳаларининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш талаб этилади. Иқтисодиётнинг ривожланишида унинг саноат соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Саноат ва унинг корхоналарининг ривожланишини таъминлаш мамлакат иқтисодиётининг юксалишида катта самарага олиб келади. Иқтисодиётга саноат корхоналарининг самарали таъсирини ошириш учун биринчи навбатда ишлаб чиқариш корхоналарининг бозор ва ундаги рақобат кураши шароитидаги фаолиятига эътибор қаратишни талаб қилади.

Иқтисодиётда амалга ошаётган кескин рақобат кураши, истеъмолчилар танловларнинг ўзгариб туриши, истеъмолчилар даромадларидаги ўзгаришлар, иқтисодий ресурсларнинг тақчиллиги ва улардан фойдаланишдаги мураккабликлар ишлаб чиқариш корхоналари олдига муҳим талаблар қўймоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари нафақат фаолият юритишлари лозим, балки ўз фаолиятларини ҳамма вақт такомиллаштириб боришлари талаб этилади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кун тартибидаги муҳим вазифалар қаторидан ўрин олмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишлаб чиқариш самарадорлиги кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва жорий қилиш бўйича тадбирларни тузиш мақсадга мувофиқдир. Ўтказилган кузатиш ва тадқиқотлар саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги ва уни ошириш бўйича чора-тадбирларни тузиш кераклигини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётга саноат корхоналарининг самарали таъсирини таъминлаш учун яна қуйидагиларни амалга ошириш ва уларга катта эътибор бериш керак:

Саноат корхоналарининг иқтисодий - хўжалик фаолиятини бозор талаби ва эҳтиёжларига йўналтириш. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини инобатга олиш. Нафақат эҳтиёжларини, балки уларнинг даромадларини, даромад чизигини ва имкониятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Истеъмолчи истагини ҳисобга олиш.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори меҳнат унумдорлигига эришиш. Бунинг учун меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи техник, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва руҳий омилларни яхши билиш ва улардан оқилона фойдаланиш талаб қилинади. Ҳар бир омилни ўз ўрнида аниқлаш, таъсири доирасини белгилаш ва ишлаб чиқариш жараёнига самарали тарзда жорий қилиш лозим.

Саноат корхоналарининг бозордаги фаолияти улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлилига боғлиқдир. Рақобатбардошли бўлиши учун эса ҳам сифатли, ҳам арзонроқ бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш

керак. Бунинг учун саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириб бориш талаб этилади. Бу қийин вазифа. Чунки, арзонроқ ишлаб чиқариш кўп холларда сифатга ҳам тескари таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш масаласига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш лозим.

Саноат корхоналарининг мақсадларини, миссиясини ва дастурларини бозордаги ҳолатга мос равишда ўзгартириб туриш. Ишлаб чиқариш фаолиятига ва қарор қабул қилишда ахборот манбаларидан етарли даражада фойдаланиш ва уларни таҳлил қила билиш.


Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, самарали, кам чиқиндили, танаффуссиз ишлайдиган ва унумдорлиги юқори бўлган технологияни яратиш ва жорий этиш йўлидаги ишларни жадаллаштириш лозим. Ишлаб чиқариш ресурслари ичида узоқ вақт давомида корхонада ишлаб қоладиган ва бунда ўзининг натурал кўринишини сақлаб қоладиган ресурслар - асосий фондлар, техника ва технологиялардир. Ишлаб чиқариш самарасини таъминлашда уларнинг ўрни ва роли ниҳоятда каттадир. Шу сабабли, менежерлар мавжуд техника ва технологияни яратиш ишларига бошчилик қилишлари лозим. Бу йўналишни амалга оширишда ўзимизда ва чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни ўрганиш, улар ичидан самаралиларини танлов қилиш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига қўллаш лозим.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлилигини ошириш, мамлакатимиз ва чет мамлакатларнинг бозорларидаги ҳолатни, улардаги талаб ва таклифни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, бозор стратегиясини қабул қилиш ҳамда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, маҳсулот сотиш ҳажмини мунтазам равишда ошириб боришга ҳаракат қилишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.. Корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлари сотилмасдан қолиб кетса, уларнинг фаолияти самарасиз бўлади, шу сабабли фаолият юритишдан олдин бешта муҳим саволга жавоб топиш ва кейингина ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида бошқарув функцияларини такомиллаштиришни, мавжудларини қўллашни ҳозирги замон талабларига, мослаштиришни таклиф этамиз. Бизга маълумки, бошқарув функциялари қўйидагилардан иборат (1-расм):

1. Режалаштириш
2. Ташкил этиш

3. Назорат қилиш
4. Таҳлил қилиш
5. Рағбатлантириш.



1-рasm. Бошқаришнинг функциялари

Ушбу функциялар ичида режалаштириш функцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки бошқарувнинг функциялари режалаштиришда қабул қилинган режаларни бажарилишини амалга оширади, таҳлил қилади, назорат қилади, яхши ёки ёмон фаолият кўрсатган ходимлар ва бўлимларни рағбатлантиради. Саноат корхоналаридаги режалаштириш тизимида стратегик режалаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Стратегик режалар корхоналар фаолиятининг келажакдаги ҳолатини белгилаб беради. Корхоналарнинг бош менежери асосан корxonанинг келажакдаги ҳақида кайғуришлари, стратегияни белгилашлари, стратегик режаларни тузишлари ва уларни бажаришни назоратга олишлари зарур. Саноат корхоналаридаги стратегик режалар вақти - вақти билан назорат қилиб турилади ва зарур ҳолатларда уларга ўзгартиришлар киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».. www.lex.uz.

2. *Шумпетер.И.* Теория экономического развития: исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры. Москва, Прогресс, 1982 год.

А.Р. Оқбоев, З.А. Хакимов

Наманган муҳандислик-технология институти,

Тошкент давлат иқтисодий университетини

Тошкент, Наманган, Ўзбекистон

o.r.alisher@mail.ru, z.xakimov@mail.ru

КОРХОНАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА БРЕНДНИ БОШҚАРИШНИНГ РОЛИ

Аннотация. Мақолада корхоналар рақобатбардошлигини оширишда брендни бошқаришнинг роли ва аҳамияти асосланган, брендни бошқариш бўйича самарали тизим ташкил этиш бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, бренд, брендинг, брендни бошқариш, бренд менежменти, бренд менежменти тамойиллари, бренд портфели, бренд архитектураси.

А.Р. Оқбоев, З.А. Хакимов

Наманганский инженерно-технологической институт,

Ташкентский государственный экономический университет

Наманган, Ташкент, Узбекистан

o.r.alisher@mail.ru, z.xakimov@mail.ru

РОЛЬ УПРАВЛЕНИЯ БРЕНДОМ В ПОВЫШЕНИИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье даны практические рекомендации по созданию эффективной системы управления брендом, исходя из роли и значения бренд-менеджмента в повышении конкурентоспособности предприятий.

Ключевые слова: конкурентоспособность, бренд, брендинг, управления брендом, бренд-менеджмента, принципы бренд-менеджмента, портфель брендов, архитектура бренда.